

# 2. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯШНАЁТГАН БЎСТОН

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда маҳсулот сифатига қўйиладиган янги мезонлар вужудга келган. Бу – импорт ўрнини босувчи, жаҳон бозорларида рақобат талабларига жавоб берувчи, деган сифатлашлардир. Эндиликда ана шу мезонлар асосида ишлаётган Хўжайли, Беруний, Халқобод пахта тозалаш заводлари, «Қорақалпоқбалиқ» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари Европа, Америка қитъаларида халқаро сифат белгилари – олтин, платина юлдузлари олишга муяссар бўлишди. Демак, мамлакат Президентининг экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги Фармони ҳаётга изчил татбиқ қилиняпти.

Қорақалпоғистонда дилларни дилларга, манзилларни манзилларга боғловчи йўллар, таъбир жоиз бўлса, ислоҳотларнинг кўзгуси бўлаётир. Навоий – Учқудуқ – Султонузаг темир йўлини янги асрга элтувчи поёндоз дейишяпти. Қоратов – Тўрткўл темир йўли эса аллақачон мустақилликка хизмат қилаётир. Нукусдан Хўжайлига кетаётган йўлда Амударё устига қурилган кўприк минг-минглаб одамларнинг ҳожатини чиқаряпти. Бу мустаҳкам иншоот ишга тушганига ҳали бир йил тўлгани йўқ. Лекин шу кўприк нафақат икки қирғоқни, балки сон-саноқсиз қалбларни бир-бирига боғлади. Қанчадан-қанча ёнилғи, олтинга тенг фурсат тежалди. Одамлар ҳайрон: шу пайтгача кўприксиз қандай яшаган эканмиз деб. Ҳолбуки, аҳоли эҳтиёжини қондириш учун бунёд этилган мазкур кўприк фақат истиқлол берган имкон туфайли вужудга келди. Халқ ўз-ўзидан бу манзилга «Мустақиллик кўприги», деб ном берди. Қаранг, Оллоҳ ато этган, халқ иродаси билан вужудга келган ишга махсус васиқанинг ҳам ҳожати йўқ экан.

Қорақалпоғистон ҳудуди Ўзбекистоннинг қарийб 38 фоиз майдонини ташкил этади. Бой хомашё ресурсларига эга бўлган масканда қишлоқ хўжалиги тузилмалари тубдан янгича ўзанга қурилмоқда. Асосий эътибор тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган. Республикада дон мустақиллиги учун чинакам кураш қувончли самаралар бераётир. Сермеҳнат жараёнларни техника гарданига юклаб, халқ дастурхонини безовчи сифатли нон маҳсулотларини кўпайтираётган Қорақалпоғистон дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси таркибида 18 та очиқ турдаги акционерлик жамияти, 5 та кичик корхона, 1 та савдо-сотиқ корхонаси фаолият юритмоқда, «Нукус-нон» корхонасида 233770 АҚШ долларилик соатига 150-200 килограмм макарон ишлаб чиқарадиган линия (Италия технологияси) ишга туширилди.







Нукус шаҳрида АҚШдаги «Платинум партнер» корпорацияси қошидаги «Платтас» корхонаси импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу ерга 450 минг АҚШ доллари ҳажмида баҳоланган ускуналар Болгариядан келтирилди. Корхона бир йилда 2 миллион 400 минг литр кунгабоқар ёғи тайёрлаш қувватига эга.

Элликқалъа – Қорақалпоғистонда ислоҳотлар энг жадал кетаётган тумандир. Иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар борасида мазкур туман мамлакатимиз миқёсида ҳам пешқадамлик қилаётир. Бу ерда маҳаллий саноат юксак даражага кўтарилган, деҳқончиликда ишни ташкил этиш бўйича энг илғор усуллар жорий этилган. Хўш, намуна даражасига чиқишнинг бош омили нимада? Бу саволга ҳар ким турлича жавоб бериши мумкин. Кимдир оқилона раҳбарлик деса, яна биров туманда вужудга келган моддий базанинг пухталиги билан изоҳлайди. Бу эътирофларни маъқуллаган ҳолда яна бир муҳим жиҳатни тилга олган бўлардик. Яъни, Элликқалъада аксарият одамлар қадимий ва муқаддас заминда яшаётганликдан, улуғвор ишларга дахлдорликдан ғурурланиб ишлашади. Буни туманнинг фусункор дарвозаси орқали серфайз йўллардан ўтганингизда ҳам, Бўстон шаҳридаги пурвиқор майдон саҳнидаги истиқлол мафкурасини акс эттирувчи ҳайкалларга нигоҳ ташлаганда ҳам, «Элтекс» корхонасида гуруллаб ишлаб турган дастгоҳларни томоша қилганда ҳам қалбан туйишингиз мумкин. Зеро, чин маънодаги ифтихор инсоннинг мислсиз имкониятларини ишга солиб юборади.

Албатта, юқорида айтган фикрларимиздан Қорақалпоғистонда ҳамма ишлар жойида экан, ислоҳотлар силлиқ кетяпти, деган маъно англашилмаслиги керак. Биргина Орол муаммоси келтириб чиқараётган қийинчиликлар озмунча ташвиш келтираётгани йўқ. Йўлбошчимизнинг воҳадаги вазият ҳақида «Аввало Қорақалпоғистон аҳлини тушуниш учун бу юртда яшаб кўриш керак», деган пурҳикмат сўзларида қорақалпоқ халқига қанчалар меҳр мужассам.

Айни пайтда ердан оқилона фойдаланиш бўйича бир қатор муаммолар борки, уларни изчиллик билан ҳал қилиш тақозо этилади. Узоққа бормайлик, Нукуснинг ўзида «Қорақалпоғистон» иссиқхонасида Исроилнинг «Нетафим» корхонаси иштирокида томчилатиб суғориш йўлга қўйилган, ҳар қарич ердан катта самара олиняпти. Лекин шу хўжаликнинг ёнгинасида қанчадан-қанча ерлар бекор ётибди. Оқибатда Нукус бозорларига янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа туманларидан олиб келишга мажбур бўлинмоқда.

Яна бир масала. Чимбойда ўтов тайёрлаш корхонаси қурилган. Лекин бугунги кунда мазкур ҳунармандчилик корхонасини тўлиқ қувватда ишлатиш, ноёб маҳсулотни четга чиқаришни зиммасига оладиган ташаббускор топилмаяпти. Бу хил муаммолар бошқа туманларда ҳам учрайди. Ўйлаймизки, мураккаб вазиятларда доно ечимлар қабул қилиб келган қорақалпоғистонликлар ўз тадбиркорликларини ишга соладилар.



Ниҳоят, атрофи тут дарахтлари билан қуршалган ғаллазордаги қудратли «Кейс» комбайнларининг моторлари ўчди. Одамлар дарахт соясига дастурхон ёздилар. Улуғбек Эшонов дала четидаги ошпазга қўл силтади. Ерўчоқ яқинида куймаланиб юрган йигит «тушундим» дегандай бош ирғади. Механизатор ва ишчилар дастурхон атрофига тизилишди. Жимликни кутгандай кўкда бузтўрғай тўлиб-тошиб сайрай бошлади. У мароқ билан машқ қиларди.

# ҚУЁШДАН РАНГ ОЛГАН ДАЛАЛАР

(РЕПОРТАЖ)

— Биз-ку биз, ҳатто шу жонивор ҳам далаларнинг баракасини, ғалламизнинг мўл бўлганини сезган кўринади, — деди қошкипригини буғдой гарди қоплаган бир йигит. — Сайра, жонивор, сайра...

Ҳосили ўриб олинган пайкалда тугун кўтарган отлиқ бир ўспирин кўринди. Усмон Абдуназаров унинг қўлидаги тугунни олдида, қаторга келиб қўшилди. Димоққа «гуп» этиб янги ёпилган нон ва ошпаз йигит дастурхонга қўйган зирали ошнинг ҳиди урилди.

— Кеча бир қоп буғдойни тегирмонда торттириб келгандик, — деди оилавий пудрат бошлиғи Улуғбек Эшонов. — Оғизларинг тегсин, деб ўша ундан нон ёптирдим. Қани, дастурхонга марҳамат!



«Ғалла-2000»

Залворли бошоқлар мисоли денгиздай чайқалган каҳрабо дала. Унинг адоғида сароб жимирлайди. Сукунатни қушлар нағмасию қумғондаги чойнинг овози бузади, холос. Янги нон ва зирали ошнинг устидан кишилар босиб-босиб кўк чой ичишди. Кўп ўтмай, шу дастурхон тўкинлигини яратганлар ҳақига фотиҳа ўқилди. Ана шунда «Ғалаба» ширкат хўжалиги раисаси Назира Ғаниева кишиларни яна бир зум ўтиришга таклиф қилди.

— Мана, биродарлар, ўтган йили кузда отган ўқимиз нишонга тегди. Вилоятда биринчи бўлиб давлат буюртмасию ишлаб чиқариш режасини дўндириб қўйдик. Салкам 800 тонна дон сотдик. 500 тонна буғдойни халққа тарқатишга аҳд қилдик. Шакарой Шерова, Улуғбек Эшонов, Усмон Абдуназаров каби ғаллакорларимиз ҳосилдорликни 48-52 центнерга етказишди. Ютуқларингиз муборак бўлсин!

Энди нега сизларни ўтиришга таклиф қилганлигимнинг сабабини айтай. Мен сизлардан хафаман. Нима учун бир хафтадан буён меҳнат ҳақларингу мукофотга берилган буғдойни хўжалик хирмонидан ташиб олишга улгурмаяпсизлар? Йўқни-ку йўндириб бўлмайди. Сизлар эса борини ҳам ташиб олмай, бизни хафа қилаяпсизлар. Айтиб қўяй, омборчи сутканинг 24 соати давомида ҳам хирмонда.

Биз бу гапдан дастлаб ажаблангандик. Кўп ўтмай, опа ҳақ эканлигига ишондик. Хўжалик марказида ёш болалар, хотин-қизлар ғимирлашар, кимдир аравада, кимдир от-уловда хирмондан уйларига буғдой таширди...

«Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси — Сайхунобод туманидаги энг йирик хўжаликлардан бири. Бу ерда 3 та «Кейс» ва 3 та Россия комбайни ёрдамида кунига 300 тоннага яқин буғдой ўриб-янчиб олинмоқда. Баҳодир Абдухолиқов, Норбой Айхунбоев, Абдусаид Назарқосимов сингари оилавий пудратчилар аллақачон давлат буюртмаси ва ишлаб чиқариш режасини ошириб бажаришди. Бу жамоаларда гектар ҳисобига 45-50 центнердан хирмон уйилди.

— Жами 4085 тонна ғалла етиштириб, унинг салкам 3000 тоннасини давлатга сотамиз, — дейди хўжалик раҳбари Жўрабой Умрзоқов. — Мўлжалимиз режадан ошиқча 600 тонна буғдойни халққа тарқатишдир. Бу дегани — 50 фоиз оила йил давомида дўконлардан бир қоп ҳам ун сотиб олмайди. Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, меҳнат фахрийлари ҳам буғдой билан таъминланади...

Яна бир қизиқ ҳолга туманнинг «Бирлашган» ширкат хўжалигида дуч келдик. Туман ҳокими Султон Раҳмонқулов хўжалик раҳбари Файзулла Аҳадов билан тортишиб турган экан. Баҳснинг сабабини сўрадик.

— Бу хўжалик режани 115 фоиз бажарди. Қилинган ишлардан хурсанд бўлиб юргандим. Аммо мана бу 30 гектарлик ҳосили ўриб олинган далани кўриб, ҳафсалам бироз пир бўлди, — изоҳ берди ҳоким. — Қаранг, айрим жойларда дон тўкилган. Далада бутун-бутун бошоқлар бор. Файзулла акага «Нега одамларни мошоққа чиқармаяпсизлар, десам «ҳамма дон олиб бўлди», деяпти. Мен бу одамни муҳокамага қўймоқчиман. Илғорлиги учун, давлат буюртмасию ғалла етиштириш режасини бажарганлиги учун раҳмат эълон қилган ҳолда йиғилишда раисга «ҳайфсан» бериш ниятим бор. Ахир, халқимиз ноннинг бутуни ҳам, ушоғи ҳам нон, деган-ку.

Ана шунда бир четда қизариб турган Файзулла Аҳадов суҳбатга қўшилди.

— Ҳоким бобо, бизга 2 кун муҳлат беринг. Даладаги бу камчиликни ана шу муддат ичида бартараф этамиз. Ваъдани бажармасак, жазога тайёрмиз...

— Файзулла ака, сиз менинг танбеҳимдан хафа бўлманг. Бир йил давомида астойдил меҳнат қилдиларингиз. Раҳмат! Аммо мошоққа чиққан одамларнинг буғдойини ким ҳам тортиб оларди? Мен исрофгарчиликка қаршиман, холос. 20 нафар одам ажратсангиз, олам гулистон. Икки кундан кейин яна шу далани келиб кўраман...

Туман далаларида кечаю кундуз мотор овози тинмайди. 18 та Россия ва 12 та «Кейс» комбайнлари туман хирмони кўкка бўй чўзишига замин яратмоқда. Бугунги кунда сайхунободликлар кунлик ўсишда вилоятда биринчи ўринга чиқиб олишди. Уларнинг нияти 3 июл куни давлат буюртмасини бажаришдир.

Ҳозиргача 9 минг гектар ғаллазорнинг салкам 3000 гектаридаги ҳосил тўлиқ йиғиштириб олинди. Кўплаб оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 50-55 центнерни ташкил этмоқда. Кекса деҳқонларнинг эътироф этишларича, бундай мўл ҳосил туманда кейинги ўн йилда биринчи бор яратилди.

Боёвут, Ховос ва Сирдарё туманлари ғаллакорлари ҳам вақтнинг ҳар лаҳзасини олтинга тенг билиб, астойдил меҳнат қилишмоқда. Буғдойзорлар қуёш нурида худди денгиз каби чайқалганини кўрганингда, юрагингнинг қай бир бурчидан ҳайрат ҳислари қайнаб чиқади. Далада, хирмонда буғдой ҳиди кезади. Кечасию кундузи ана шу ҳиддан бошинг айланиб кетади. Ҳосил мўл бўлгач, ғаллакорнинг бир ғайратига — ўн ғайрат қўшиларкан. Ғалати бир ҳодиса. Бу йил вилоятда аввалги йилларга қараганда ташмачилик, талон-торожлик кескин камайди. Худди уй ва хирмонлар каби одамларнинг кўнгли ҳам ҳосил берган қувончдан тўлиб кетгандай... Уйи буғдойга тўлган, эртасидан кўнгли тўқ одамлар эзгуликка, яхшиликка камарбаста одамлардир. Бу оддий ва жўн ҳақиқатни Сирдарё далаларида бўлган ҳар бир киши юрак-юракдан туяди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НАВҚИРОН КУЧЛАР – САФГА

Кеча Ички ишлар вазирлиги Академиясининг навбатдаги битирувчилари лейтенант унвонини олишиб, мамлакатимиз милицияси сафига қўшилдилар.

Шу муносабат билан мазкур олий ўқув юртида катта тантана бўлиб ўтди. Уни академия бошлиғи У. Тожихонов очди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Шавкат Мавлонов сўз олди:

— Диплом бу — ҳаётга йўлланма, — деди у. — Сиз ўзингизнинг ҳалол ва фидойи хизматингиз билан давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимиз тинчлигини сақлашга, жамиятимизда Президентимиз ҳамиша таъкидлайдиган қонун устуворлигини таъминлашдек улуғ мақсадларни тобора чуқурроқ қарор топтиришга ҳисса қўшмоғингиз зарур.

Катта майдон узра ҳарбий оркестрнинг садолари янгради. Оппоқ кўйлагининг погонида офицерлик қўш юлдузи порлаб турган битирувчилар саф-саф бўлиб шаҳдам қадамлар билан майдондан ўтдилар, ўзларига тўрт йил таълим берган устозларига, она-Ватанга ҳурмат бажо келтирдилар. Битирувчиларга дипломлар топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИНСОН ҚАДРИ – АЗИЗ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Одамлар тафаккурида шундай олийжаноб туйғулар, юртпарварлик хислатлари камол топишига нималар омил бўлар экан, дея кўп ўйлайман. Бу саволга жавобни бевосита ҳаётнинг ўзидан топишга ҳаракат қиламан. Шу мақсадда, доимо халқ ичида юрадиган, унинг иссиқ-совуғидан хабардор одамлар билан суҳбатлашишга интиламан.

– Президентимиз бизга ўхшаш катта-кичик раҳбарлар олдига, биринчи галда, одамларнинг ғам-ташвишлари билан яшаш, уларни бугунги ҳаётидан рози қилиш вазифасини қўйган, – дейди Наманган вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳакимжон ака Ҳошимов. – Бу давлатимиз сиёсатининг инсонпарварлигидан далолатдир. Аниқроқ айтсам, одамлар англаб етяптики, мана, куч-қудратга тўлиб бораётган ўз Ватани бор, халқнинг бугуни ва келажагини ўйлаб иш кўрадиган Президенти бор, аста-секин бўлса-да, турмуши яхшиланиб боряпти. Шунга қараб дунёқараш ҳам, ҳаётга, ишга муносабат ҳам ўзгармоқда...

Муовиннинг бу гапларидан сўнг мен вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги тизимига қарашли ташкилотларда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдим.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг етакчи тармоқларидан бири – Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасида 2800 дан зиёд одам меҳнат қилади. Улар вилоят экинзорларини, пахта ва ғалла майдонларини суғоришда асосий сув узатиш воситаси бўлган 219 насос станцияси ва 755 насос агрегатига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, бошқарма тасарруфида 156 та подстанция, 186 та трансформатор мавжуд. Деҳқонлар меҳнатининг самараси, олинадиган ҳосил чўғи кўп жиҳатдан ана шу станцияларнинг бир маромда ишлашига боғлиқ.

Бунинг учун эса одамлар ўз ишига масъулият билан ёндашиши, унга меҳр қўйиши керак.

Инсон табиати шундайки, у фақат қорин тўйдириш учун меҳнат қилмайди, балки бирор жамоанинг аъзоси бўлиб, ўша даргоҳда дўст-ёр, қадрдонлар орттириб, қувончу ташвишини баҳам кўриб яшагиси келади. Айни пайтда яхши-ёмон кунида ўз жамоасидан, ташкилотидан, қолаверса, раҳбарларидан ёрдам, нажот кутади. Озгина бўлса-да, кўрсатилган ғамхўрлик ва ҳурмат-эътибордан боши осмонга етади, беҳудага ишламаётганидан, қадр-қиммати борлигидан кўнгли таскин топади.

– Бизда байрам арафаларида жами ишловчиларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш, тўй ёки маросим ўтказаётганларга баҳоли-қудрат моддий кўмак бериш мунтазам тус олган, – дейди Ҳакимжон ака. – Бу ҳам, ҳар ҳолда иш ҳақига қўшимча, оилага ёрдам-да. Баъзан шундай бўладики, бундан ўн-ўн беш йил илгари тизимимизда ишлаб кетган фахрийлар ҳам ёрдам сўраб келишади. Ҳеч қачон йўқ, демаймиз. Чунки инсон кўнгли нозик...

Бошқарма тасарруфида хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган 8-автокорхона бор. Ҳозирги кунда бу ерда ишлаб, нафақага чиққанлар сони 146 кишини ташкил этар экан. Шуниси қувончлики, корхона жамоаси бу одамлар билан алоқани узмаган, доимо улардан хабар олиб, байрам кунларида бир дастурхон атрофига йиғиб, совға-саломлар билан кўнгилларини хушнуд этади. Инсон қадри ҳар нарсадан азиз, дегани шу эмасми?

Яна бир мисол: одатда «Тез ёрдам» деганда кўпчиликнинг кўз олдига «03» телефон рақами келади. Наманганда эса одамлар зарур бўлганда қўнғироқ қиладиган «70003» рақами ҳам бор.

Бунинг сабаби шундаки, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг шифохонаси қошида тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилиб, тўртта «РАФ», олтита «ГАЗ-31» русумли махсус жиҳозланган автомашиналар сотиб олинди. Марказ ҳозирги кунда асосан Наманган шаҳри ва унга яқин ҳудудда истиқомат қиладиган 140 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бунинг учун зарур бўлган барча ускуна ва дори-дармон турлари муҳайё қилинган. Ўзингда бўлганига не етсин, деганларидек, вилоятнинг қай бир бурчагида бўлмасин, қишлоқ ва сув хўжалигида банд бўлган одамнинг ҳожати тушса, «Тез ёрдам» зудлик билан етиб боради.

Шунингдек, бошқарма тасарруфидаги дам олиш масканлари, болалар боғчалари, маҳаллаларга ҳам оталиқ ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Бу ерда ташкил этилган «Навбаҳор» ашула ва рақс дастасининг нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсида ҳам обрўйи ортиб бораётир.

Ҳар бир сўм қатъий ҳисобда бўлган бозор иқтисодиёти шароитида бу ишларнинг уддасидан чиқиш осон эмас, албатта. Лекин тежамкорлик ва ишбилармонлик билан фаолият юритилса, ҳаммасига имконият топилар экан.

Бошқармада 1992 йили тажриба тариқасида марказий таъмирлаш устахонаси хўжалик ҳисобига ўтказилган эди. Бу усул яхши натижа берди. Автотранспорт, насос агрегатларини ўз кучи билан таъмирлаш, айрим эҳтиёт қисмларни устахонанинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илгари бу ишлар Тошкент ва Чуст шаҳридаги «Сувмаш» заводларида бажарилар эди. Кейинчалик пудрат ишлари қисқартирилиб, қурилиш-таъмирлаш ва насос станцияларининг электр жиҳозларини созлаш бўлимлари ҳам ана шу янги усулда ишлай бошлади. Натижада 20-30 фоиз маблағ иқтисод қилиниб, у ёрдамчи хўжалик ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, вилоятдаги 120 гектар майдонни эгаллайдиган «Анор» тажриба хўжалиги, ўрмончилик хўжалигига қарашли иссиқхона Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси тасарруфига олинди. 1999 йилнинг ўзида тажриба хўжалигида 2 миллион 800 минг сўмдан ортиқ самарадорликка эришилди. Жорий йилдан бошлаб бу ерда чорва моллари боқилмоқда. Ҳозир 25 қорамолдан олинаётган сут бошқарма қошидаги касалхона ва соғломлаштириш маскани эҳтиёжини тўла қондирмоқда.

Иссиқхона ва унинг атрофидаги қарийб 15 гектар ерда эса ҳар хил маҳсулотлар етиштирилиб, ишчи-хизматчиларга бозордагига нисбатан анча арзон нархларда тарқатилмоқда.

Бу мисоллар, аввало, меҳнат жамоаларининг эски тузум асорати — боқимандалик кайфиятидан халос бўлаётганини, ўз куч ва имкониятларига таяниб ишлаётганини, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилаётганини кўрсатади. Қолаверса, ўз жамоаси томонидан ғамхўрлик кўрган, унинг мисолида ўз мамлакатининг инсонпарварлик сиёсатини ҳис этган одамнинг юрагида унга нисбатан муҳаббат ва садоқат туйғулари жўш уриши табиий ҳолдир.

Бу бир бошқарма мисолидаги гап.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни, ёрдамга муҳтож кексаларни, болаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни эса барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Айниқса, соғлом авлод тарбияси, ёшларга замонавий билим бериш, уларни эртанги ҳаётга тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани инсонга ғамхўрликнинг яна бир намунасидир, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими, халқимиз бу эзгу ишлар моҳиятини теран англаб, қадрламоқда.

Қишлоғимизда жойлашган Улуғбек номидаги мактаб-интернат директори Нурмамат Абдураҳимов шундай бир фикрни айтиб қолди.

— Президентимиз зиммасида тоғдай оғир масъулият бор. Ўзимиз битта оиланинг тирикчилиги деб қанча елиб югурамиз. Юртбошимиз эса 25 миллионлик халқнинг нафақат бугунги ҳаёти, балки келажаги тўғрисида ҳам қайғуради.

Мен мактабдош дўстимнинг бу сўзларини эшитиб, ғоят таъсирландим. Юртдошларимиз руҳидаги уйғонишни ҳис этмоқ учун ҳаётга чуқурроқ кириб бориш, одамлар орасида кўпроқ бўлиш керак экан, деган хулосага келдим.

Президентимиз ўз жавобларида **мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади, юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш мутараққий давлатлардаги каби кафолатли турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш** эканини таъкидлади. Мухтасар айтганда, бу — **эркин, демократик, иқтисодий салоҳияти юксак, қудратли давлат барпо этиш** демакдир.

Халқимиз бугунги кунда ана шу эзгу мақсад йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Ватан туйғуси... Қонқонимизга сингиб кетган бу тушунчани қандай изоҳлашни, балки биз билмасмиз. Лекин шуни биламизки, она каби ягона ва азиз Ватанимизни севамиз, унингсиз тақдиримизни тасаввур эта олмаймиз. Доимо гўзал бўлишини, гуллаб-яшнашини истаймиз. Зеро, Ватанинг озод ва обод бўлса, куч-қудратли бўлса, унинг фарзанди эканингдан фахрланиб, бу кибор дунёда мағрур бош кўтариб юрсанг, бундан ортиқ бахт борми?

Бундай саодатга эришиш учун эса **тинимсиз изланиш, миллий ғоя, миллий мафкура мезонлари билан яшаш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги нуфузи ва мавқеини ошириш ҳар биримизнинг виждон ишимизга, ҳаётимиз мазмунига айланиши керак.** Менимча, Ватанга садоқат туйғусининг замирида мана шу ҳақиқат мужассам. Буни эса ўзлигини англаган, руҳан уйғоқ миллатгина идрок этади...

**Аҳмад ХЎЖА.**



# 3. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯШНАЁТГАН БЎСТОН



Биз мамлакатимиз келажагининг буюк бўлиши ҳақида гапирганимизда шунчаки баландпарвоз ибораларга эмас, балки реал ҳаётимизга қараб фикр юритамиз. Негаки, келажакни ёшларимиз тимсолида кўрамиз.

Қаранг, бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия мамлакатларининг манаман деган олий ўқув юртларида Қорақалпоғистоннинг 21 нафар фарзанди замонавий билимларни эгаллашяпти. Бугина эмас, шу йил кузда улар сафи яна кенгаяди.

Республиканинг ўзида вужудга келтирилаётган янги ўқув муассасаларини айтмайсизми? Қорақалпоғистон Давлат университети ҳузуридаги академик-лицей, 6-қурилиш лицейи негизидаги янги коллеж учун 55 миллион сўм сарфланибди. Ўтган йили кузда 10 та касб-ҳунар коллежи очилди. Хуллас, 2005 йилгача Қорақалпоғистонда коллежлар сони 114 тага, академик-лицейлар 11 тага етказилади.

Келинг, шу ўринда таҳририятимизга келган бир мактуб билан танишайлик. Уни Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи онахон Разия Ниязимбетова ёзган:

«Қалбимда она бахти қувончини сиғдиролмай сизлар билан бўлишиш ва ўз миннатдорчилигимни билдириш ниятида ушбу мактубимни йўлламоқдаман.



Биринчи навбатда Юртбошимизга халқ манфаати йўлида олиб бораётган буюк ишларида улкан муваффақиятлар, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Мен, мана 20 йилдан буён, Нукус шаҳри педагогика коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайман.

Тақдир ҳукми билан умр йўлдошим Максет Жумамуратов 1986 йили буйрак касаллигининг оғир асоратларидан 31 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Фарзандларим — иккита қизим: Гульзира ва Набира тарбиясига, уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиши ва айниқса бугунги кун талабларига жавоб берадиган билимли, маънавий томондан юксак, баркамол бўлиб етишиши учун бор кучимни аямадим. Бу осон бўлмаган йўлда қийналган пайтларимда Президентимиз олиб бораётган сиёсат суянч бўлиб келди.



Мана энди, худога минг шукур бўлсин, фарзандларим ёмон бўлмади. «Қиз бола ўқитган, миллатни ўқитган бўлади» дегандек, уларнинг билимга бўлган талабчанлигини орттиришга ҳаракат қилдим. «Акселс» дастури асосида тўнғич қизим АҚШда ўқиб таълим олиб қайтишга муяссар бўлди, ҳозир эса икки қизим ҳам Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида: бири халқаро ҳуқуқ факультетининг 4-курс талабаси, иккинчиси эса халқаро иқтисодий муносабатлар факультетининг 2-курсида таҳсил олмоқда. Бу нарсалар ҳақида собиқ Иттифоқ даврида орзу қилиш хаёлимизга келмас эди.

Жорий йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши биз, оналарни, тўлқинлантириб юборди. Шу йили катта қизим, худо хоҳласа, университетни битиради. Озгина бўлса ҳам, ушбу қутлуғ йилга менинг ҳам қўшадиган ҳиссам борлиги, албатта, менга куч-қувват бериб, орзуларимнинг ушалганини ҳис қиламан.

Демак, мен бахтиёр онаман ва ишончим комилки, бугунги кунда халқимиз орзу қилган янги жамиятни қуришда фаол қатнашадиган, ўз кучини, билимини аямайдиган фидойи фарзандлар қаторида менинг ҳам қизларим бор эканлиги билан ғурурланаман ва улар юртимизга қанот бўлишини, истаб қоламан».

Бу дил сатрларига қўшимча қилиш мушкул.

Истиқлол берган имкон туфайли ўлкада нафақат халқ таълими, айни пайтда тиббиёт, маданият, спорт соҳасида ҳам янги ютуқлар қўлга киритиляпти.

Ҳозир Қорақалпоғистонда 379 та футбол майдони бор. Номи дунёга тарқалган спорт юлдузлари йил сайин кўпаймоқда.

Гимнастикачи Бўтакўз Баятанова Осиё чемпионатида битта олтин, учта кумуш медални қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказий Осиёда ягона

**ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

*2000/2001 ўқув йили учун*

**БАКАЛАВРИАТга**

*ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.*

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти республикамизнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил ва маҳаллий саноати, шунингдек, қўшма корхоналар ва матбаа соҳаси учун етук, малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи илм масканидир.

Институтимизда янги мутахассислар, шу жумладан, ҳунар-таълим коллежлари ва лицейларда дарс берадиган педагог йўналишидаги бакалаврлар, шунингдек, қоғоз ишлаб чиқариш, технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишидаги бакалаврларни тайёрлаш бошланди.

Барча йўналиш ва мутахассисликларда ўқийдиган ёшларга узлуксиз компьютер билимлари берилиб, пировардида уларга "Компьютер техникаси бўйича мутахассис" гувоҳномаси топшириш анъанага айланмоқда. Менежер, ташқи алоқалар ташкилотчиси курсларини тамомлаганлар эса қўшимча сертификат олаяптилар.

Институтда, айниқса, иқтидорли ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда, уларга чет тиллари мукаммал ўргатилаётир. Иқтидорли талабалар академияси йигит-қизларнинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Европа Иттифоқи давлатларининг "ТАСИС-ТЕМПУС" дастури олий ўқув юртимиз ва хорижий мамлакатлар институтлари ўртасидаги кенг кўламли алоқаларни ривожлантириш ишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Бугунги кунда институтимизда **пахтани дастлабки ишлаш ва механика, механикавий технология, муҳандис-иқтисодчи, кимёвий технология, тўқимачилик ва енгил саноат технологияси, сиртқи, тайёрлов ва малака ошириш факультетлари, 250 га яқин замонавий компьютер билан жиҳозланган тест маркази** фаолият кўрсатмоқда. Институт қошида эса иқтидорли ёшлар академик лицейи ишлаб турибди.

Ўқув хоналари, кутубхона, сартарошхона, тарих музейи, ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси, санаторий-профилакторий, Хумсондаги "Роҳат" спорт-соғломлаштириш оромгоҳи талабалар ихтиёридадир.

Институтимизни битирган мутахассислар эса ҳозирги кунда тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари, банк, биржа, ташқи алоқа соҳаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Азиз йигит-қизлар! Мустақил мамлакатимизнинг тўқимачилик, енгил ва пахта тозалаш, матбаа, қоғоз ишлаб чиқариш саноатларини ривожлантиришдек эзгу ишга ҳисса қўшишни орзу қилган ёшлар!

Сизларни институтимиз жамоаси интизорлик билан кутмоқда.

Ҳаммангизга Давлат тест синовларида юқори кўрсаткичларга эришишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

**РЕКТОРАТ.**

**Бизнинг манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй. Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.**

3021

## Адолат тарозиси

# МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

Маълумки, кейинги вақтларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, кишиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш, ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига қараб ҳақ олишга эришиш соҳасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги йўл-йўриқ ва кўрсатмалари бу соҳадаги ишимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз ана шу йиғилишдаги маърузада «Чинакам фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ернинг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак. Тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт. Энг муҳими, давлат қишлоқдаги мулкдорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак»лигини таъкидлаб ўтдилар. Биз ана шундан келиб чиқиб, асосан қишлоқ хўжалиги корхоналари, айниқса, фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Вилоятимиз хўжалик судида фермер хўжаликлари иштирокида ўтган йили жами 21 та хўжалик иши кўрилган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида ана шундай 19 та иш кўрилиб, ҳал этилди. Яъни ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этувчи фермер хўжаликларининг сони кескин ошди. Вилоят хўжалик суди кўриб чиққан низоларни таҳлил қилсангиз, жамоа-ширкат хўжалиги, маҳаллий ҳокимият ва бошқа ваколатли органларнинг эътиборсизликлари туфайли айрим ҳолларда фермер хўжаликлари ҳуқуқи паймол этилиб, улар фаолиятига зиён етказилаётганлиги маълум бўлади.

Тажрибанинг кўрсатишича, фермер хўжаликларига боғлиқ низоларнинг аксарияти улар ижарага олган ёки олиши лозим бўлган ер масаласига боғлиқ бўлиб, белгиланган тартибда ажратилган ерни улар ихтиёрига беришда амалда баъзи келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Масалан, Китоб туманидаги Ж.Турдиев номли жамоа-ширкат хўжалигида ташкил этилган «Меҳнат» фермер хўжалигига 10 гектар ер беришга келишилади ва бу ҳақда жамоа-ширкат хўжалиги ҳамда туман ҳокимининг тегишли қарорлари қабул қилинади. Лекин қонуний ажратилган ушбу ер майдонини ўлчаб беришмайди. Шу орада хўжалик бошқаруви раиси ўзгаради. Янги раиснинг ўғли эса дарров ишга киришади ва «Бошчил» фермер хўжалигини ташкил этади. Хўжаликнинг бошқа ҳудудидан ер майдонини ижарага бериш тўғрисида хўжалик умумий мажлиси ва туман ҳокимининг қарорлари қабул қилинишига қарамасдан, «Бошчил» фермер хўжалиги «Меҳнат»га ажратилган ер майдонини ноқонуний эгаллаб олади. «Меҳнат» фермер хўжалиги ўзига қонуний ажратилган ер майдонига эгалик қилиш учун кетма-кет, жуда кўп ваколатли идораларга, охири хўжалик судига мурожаат қилади.

Суд унга тегишли ер майдонини ноқонуний эгалловчилардан олиб бериш тўғрисида ҳал қилув қарор қабул қилди.

Муборак туманидаги «Туркистон» жамоа-ширкат хўжалиги ижарачиси Ж.Жўраев ўзи ижара шартномаси асосида деҳқончилик қилиб келган 10 гектар ер майдонида фермер хўжалиги ташкил қилмоқчи бўлади. Бу ҳақда хўжалик бошқаруви ҳамда туман ҳокимлигига 1999 йил январ ойида мурожаат қилади. Улар Жўраевнинг бу таклифини кўриб чиқиб, уни маъқуллашади ва у бошчилигида ташкил этилган «Давлат бобо» фермер хўжалигига ўзи фойдаланиб келаётган ерни ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилишади. Лекин туман ҳокимлиги ва жамоа-ширкат хўжалиги айрим масъул шахсларининг эътиборсизлиги ёки «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июн 300-сонли қарорига илова қилинган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби» талабларини билмаслиги оқибатида ажратилган ер майдони масаласи охиригача қонуний ҳал қилинмайди. Чунки бу ерда «Туркистон» жамоа-ширкат хўжалиги томонидан олдинроқ кузги ғалла экилган бўлади. Қисқаси, юқоридаги қонуннинг 7-моддаси 1-қисмига асосан ушбу ер майдони белгиланган тартибда жамоа-ширкат хўжалиги ҳисобидан чиқарилиб, фермер хўжалиги ҳисобига ўтказилмайди. Ҳамда шу қонуннинг 10-моддаси ва юқорида айтилган тартибнинг 19-21- бандлари асосида ушбу ер майдонини фермер хўжалигига бериш тўғрисида жамоа-ширкат хўжалиги ва фермер хўжалиги раҳбарлари томонидан ижара шартномаси тузилиб, у туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказилмайди. Шу туфайли ширкат хўжалиги ва фермер хўжалиги ўртасида пайдо бўлган низо вилоят хўжалик судида кўриб чиқилди. Суд уни мазмунан ҳал қилишдан ташқари, «Давлат бобо» фермер хўжалигини ташкил этиш ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган камчилик ва қонунбузишлар ҳамда уларнинг бундан кейин қайтарилмаслиги тўғрисида Муборак тумани ҳокимлигига хусусий ажрим юборди.

Вилоят хўжалик судида фермер хўжалигига боғлиқ низоларни ҳал қилиш тажрибасининг кўрсатишича, қишлоқда иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ва ҳақиқий мулк эгаларини шакллантириш учун маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқа ваколатли органлар катта ташкилий тадбирларни амалга ошириши ва кишиларни ерга, мулкка, меҳнатга, етиштириладиган маҳсулотга бўлган муносабатини кескин ўзгартириши лозим бўлади.

**Мирза ТУРСУНОВ,**
**Қашқадарё вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.**

# МУАММОЛАРНИ ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН ҲАЛ ЭТАМИЗ

Наманганда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси мақоми остида ташкил этилган семинарлар туркуми иштирокчилари эътиборига муҳим мавзулар муҳокамаси ҳавола этилди. Кун тартибига маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш билан боғлиқ муаммолар киритилди.

Мавзулар бўйича маърузалар тингланди. Шундан сўнг баҳс-мунозара, ишбилармонлик ўйинлари шаклида муҳокама ўтказилди. Айниқса, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари фаолияти давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш йўлларининг таҳлили йиғилганлар эътиборини жалб этди.

Семинарлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири — бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлларини излаб топишдан иборат. Уларни ўтказишга жамоатчилик ташкилотлари, "Маҳалла" ва "Камолот" республика жамғармаларининг вилоят бўлимлари, шунингдек, тадбиркор аёллар уюшмасининг жалб этилиши бежиз эмас.

Йил охиригача Конрад Аденауэр номидаги жамғарма Наманганда амалий машғулотлар шаклидаги яна иккита семинар ташкил этишни мўлжалламоқда.

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**


# "ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ

***2000 йил 1 июлдан бошлаб қуйидаги корхона ва ташкилотлари қисқартирилишини маълум қилади:***

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **Тошкент вагон депоси ВЧД-1** | *Манзилгоҳи: 700005, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси,13, ОКПО коди 4731918* |
| 2. | **«Ўзбекистон» локомотив депоси ТЧ-12** | *Манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, ОКПО коди 15344780* |
| 3. | **Тошкент механизациялашган ортиш-тушириш ишлари масофаси МЧ-1** | *Манзилгоҳи: 700005,Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, ОКПО коди 04728431* |
| 4. | **Салар йўл масофаси ПЧ-1** | *Манзилгоҳи: 700007, Мирзо-Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси,30, ОКПО коди 04731930* |
| 5. | **Тошкент йўл масофаси ПЧ-2** | *Манзилгоҳи: 700044, Сирғали тумани, М. Ҳайдар кўчаси, 3, ОКПО коди 04731924* |
| 6. | **Тошкент электротаъминот масофаси ЭЧ-1** | *Манзилгоҳи: 700094, Миробод тумани 2-тор Ипподромная кўчаси,1-муюлишидаги 1а, ОКПО коди 04731976* |
| 7. | **Тошкент алоқа ва сигналлаштириш масофаси ШЧ-1** | *Манзилгоҳи: 700094, Миробод тумани, Ипподромная кўчаси, 52,, ОКПО коди 15142289* |
| 8. | **Чукурсой бекати** | *Манзилгоҳи: 700111, Собир Раҳимов тумани, Чуқурсой кўчаси,82, ОКПО коди 0107650* |
| 9. | **«Ўзбекистон темир йўлари» ДАТК ўқув юртлари марказлашган ҳисобхонаси ЦБ-9** | *Манзилгоҳи: 700005, Миробод тумани, А. Қодирий кўчаси, 49, ОКПО коди 01060298* |
| 10. | **Тошкент фуқаро иншоотлари масофаси НГЧ-1** | *Манзилгоҳи: 700005, Ҳамза тумани,, Элбек кўчаси, 8, ОКПО коди 202395261* |
| 11. | **Ховос электротаъминот масофаси ЭЧ** | *Манзилгоҳи: 708200, Сирдарё вилояти, Ўратепа кўчаси, 36 ОКПО коди 04732071* |
| 12. | **Ховос алоқа ва сигналлаштириш масофаси ШЧ** | *Манзилгоҳи: 708200,Сирдарё вилояти, Ховос бекати, Привокзальная кўчаси, 38 ОКПО коди 04732473* |
| 13. | **Ховос йўл масофаси ПЧ-4** | *Манзилгоҳи: 708200, Сирдарё вилояти,, Ховос бекати, Привокзальная кўчаси, 29 ОКПО коди 04732028* |
| 14. | **Ховос бекати** | *Манзилгоҳи: 708200, Ховос бекати, Привокзальная кўчаси, 9, ОКПО коди 04732013* |
| 15. | **Ховос моддий-техника таъминот бўлими** | *Манзилгоҳи: 708200,Сирдарё вилояти, Привокзальная кўчаси,38, ОКПО коди 14898186* |
| 16. | **Ховос фуқаро иншоотлари масофаси** | *Манзилгоҳи: 708200,Сирдарё вилояти, Привокзальная кўчаси,31, ОКПО коди 15403614* |
| 17. | **Жиззах йўл масофасини таъминлаш бўлими** | *Манзилгоҳи: 708000, Жиззах шаҳри, С. Каримова,1, ОКПО коди 14948493* |
| 18. | **Жиззах бекати** | *Манзилгоҳи: 708000, Жиззах шаҳри,, Ш. Қўшоқов кўчаси, 1, ОКПО коди 16382498* |

**Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққандан сўнг 2 ой ичида қабул қилинади.**

3020

## Ҳосилни асрайлик

Самарқанд вилоятида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари етиштирилган ғалла талон-тарож қилинишининг олдини олишмоқда. Гўзалкент туманидаги Янгийўл қишлоғида яшовчи фуқаро О.Бўтаев 900 килограмм, Оқдарё туман "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги фуқароси Б.Нурматов бир тоннага яқин, ғалла ўғирлагани фош этилди. Пастдарғом туманидаги "Қумтепа" жамоа хўжалиги хирмонидан ҳам 4470 килограмм дон ўғирланган.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан ғалла нобудгарчилигига йўл қўймаслик ва уни ўз вақтида йиғиштириб олиш масалалари юзасидан ўтказилган текширувлар якунига кўра, тегишли идораларга 128 та амрнома, 31 та тақдимнома киритилди. 65 нафар ходим интизомий, 85 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 118 киши расман огоҳлантирилган. Қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 6 та жиноий иш қўзғатилган.

**У. РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Халқ сўзи»га жавоб берадилар

# «НОДИРА»НИНГ ҚУВОНЧЛАРИ

**«1992 йили шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғи вилоят маданият бошқармаси тасарруфидан чиқарилиб, маҳаллий саноат тизими ихтиёрига берилди. Ғоят хушманзара ҳудудда жойлашган ушбу боғ буюк шоирамиз Нодирабегим номи билан аталгани айни муддао бўлди. Уни ободонлаштиришга жадал киришилди. Талайгина ишлар бажарилди. Бироқ, кўп ўтмай, ҳаммаси ўлда-жўлда қолиб кетди. Ҳатто Нодирабегимга ўрнатилган ҳайкал ҳам ниҳоясига етказилмади...»**

«Халқ сўзи»нинг шу йилги 19 апрел сонида ёритилган «Нодира»нинг кўз ёшлари» мақоласи ана шундай таассуфли сўзлар билан бошланганди. Андижон шаҳар ҳокимлиги ушбу чиқиш муносабати билан бизга қуйидагиларни маълум қилди:

*«Боғни ободонлаштириш борасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ва вилоят «Маҳаллий саноат» акциядорлик компанияси биргаликда тегишли тадбирлар ишлаб чиқди. Шунга мувофиқ, боғни ёзги дам олиш мавсумига тайёрлаш учун ундаги сунъий кўл оқар сув билан тўлғазилди. Доимо сувни янгилаб туришга мўлжалланган ариқчалар очилиб, қувурлар ўрнатилди. Дам олувчиларнинг сузиб саёҳат қилишлари учун мўлжалланган сув велосипедлари, боғнинг маъмурий биноси, бош дарвозаси, дам олиш майдончалари, ўриндиқлар ва ён-атрофни ўраб турган панжаралар таъмирланди, йўлаклар тўла бетонлаштирилди.*

*Шоира ҳайкали эскизини тайёрлаш учун тегишли ташкилотларга буюртма берилди.*

*Сунъий кўл остидаги лойқани тозалаш ҳамда қирғоғидаги зинани бетонлаш ишлари эса, чўмилиш мавсуми бошланиб кетганлиги сабабли, 2001 йилда амалга оширилиши режалаштирилди.*

*«Нодирабегим» боғида фуқароларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилиши шаҳар ҳокимлиги ва вилоят «Маҳаллий саноат» акциядорлик компанияси томонидан қатъий назоратга олинди.*

**Андижон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Ф. НИЁЗМУРОДОВ».**

